Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 132 (5225),

6 ИЮЛЬ ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз 1-бўлим пахтакорлари беш йилликнинг белгиловчи йилида 530 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 38 центнердан «оқ олтин» териб олишга қарор қилганлар. Дала ишлари ана шу юксак социалистик мажбуриятга яраша олиб борилмоқда.

Бўлимдаги Н. Нуралиев, Ж. Бердиев, Р. Холмуродовлар етакчилик қилаётган юқори ҳосилли бригадаларда ғўзалар қийғос гулга кирди. Механизаторлар, миришкор сувчилар ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. 530 гектар майдондаги ниҳоллар яхши культивация қилиниб озиқлантирилди.

Июль — ҳосил тақдирини хал қилувчи ой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам «оқ олтин» яшчиларлари вақтни ғанимат билиб, ғўза парваришини юқори агротехника қоидалари асосида олиб бораётирлар. Суғориш ишлари икки сменада ташкил этилган. Т. Худойназаров, Ж. Тўраев, А. Нишоноз, Х. Нормуродов сингари тажрибали миришкорлар ўз маҳоратларини ишга солишмоқда. Аниқса, улар тунги суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу кунларда экинларга учинчи марта сув таралмоқда. Сув танқислигини ҳисобга олган сувчилар унинг ҳар бир литридан тежаб-тергаб фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли ярим асрлик олтин тўйи нишонланадиган йилда бўлим заршуносларининг она-Ватанга 1800 тонна «оқ олтин» топшириш ҳаҳ қилганлар. Етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжаллаб қўйилган.

Т. УСМОНОВ,
А. ЧЎТИБОЕВ.

ТАСС АХБОРОТИ

„СОЮЗ-14" ПАРВОЗДА

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 4 июль. (ТАСС). «Союз-14» космик кемаси Москва вақти билан соат 16 гача Ер атрофини 13 марта айланиб чиқди.

Бугун эрталаб ҳаракат территорияси тўғриланганидан кейин «Союз-14» кемаси параметрлари қуйидагича бўлган орбита бўйлаб парвозни давом эттирмоқда.

Ер юзасидан максимал узоқлашуви (апогейида) — 277 километр;

Ер юзасидан минимал узоқлашуви (перигейида) — 255 километр;

Айланиш даври — 89,7 минут;

Орбитанинг оғиши — 51,6 градус.

«Союз-14» космик кемаси соат 5 у 30 минутдан то 15 у 40 минутгача Совет Иттифоқи территориясидан радио орқали кўринмайдиган зонада бўлди. Бу вақтда космонавтлар дам олдилар.

П. Р. Попович радио алоқасининг навбатдаги сеансида экипаж вазнсизлик шароитларига кўникканлигини ва парвозининг белгиланган программасини бажараётганлигини маълум қилди. Попович ва Артюхин ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Парвоз нормал ўтмоқда.

„СОЮЗ-14" КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ „САЛЮТ-3" ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИНИНГ БОРТИДА

1974 йил 5 июлда «Союз-14» кемаси «Салют-3» орбитал илмий станцияси билан туташтирилди. Попович ва Артюхин ўртоқлар станция ичига кўчиб утгач, Ер атрофи космик фазосида учувчи бошқарадиган «Салют-3» илмий станцияси ишлай бошлади.

Космик аппаратларнинг бир-бирларига яқинлашув, боғланув ва туташув процесси нормал ўтди. Олисдан яқинлашиш участкасида «Союз-14» транспорт кемаси бортавий системалар ёрдами билан автомат тарзда бошқариб турилди. Орадаги масофа 10 метрга келтирилганда кеманинг станцияга яқинлашиб борыши ва боғланишини экипаж бошқарди. Кема туташтирилиб, космонавтлар станциянинг бортавий системаларн ва микроиқлим параметрларини текшириб кўргач, ички туйнукни очдилар ва станция ичига кўчиб ўтдилар.

Учувчи-бошқарадиган илмий станция «Салют-3» экипажининг иш программаси илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказишни, шу жумладан:

— халқ хўжалик вазифаларини ҳал этмоқ учун маълумотлар олиш мақсадида Ер юзининг геологик-морфологик объектларини, атмосфера ёғин-сочинлари ва ҳодисаларини тадқиқ этишни;

— космик фазо физикавий характеристикаларини тадқиқ этишни;

— космик учиш омилларининг инсон организмига таъсирини ўрганишга ҳамда станция ичидаги экипажнинг рационал иш режимини аниқлаш борасида медицинавий-биологик тадқиқотлар ўтказишни;

— станция такомиллашган конструкциясини, шунингдек станция ичидаги системалар ва аппаратларни синаб кўришни ўз ичига олади.

Орбитада маневр ўтказилиб, аппаратлар туташтирилгач, космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилаётганлар.

«Салют-3» орбитал станциясининг экипажи белгиланган программани бажаришга киришди.

Космодромда кузатиш пайти (чапда) Ю. П. Артюхин ва П. Р. Попович.
А. Пушкарев фотоси.

МАШИНАСОЗЛАР ҲИММАТИ

Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида тайёрланаётган турли маркадаги агрегатлар фақат қардош республикаларгагина эмас, балки хорижий мамлакатларга ҳам жуда манзур бўлмоқда. Бунга пахтачилик билан шуғулланувчи қардош республикалардан, кўплаб чет эллардан келаётган беҳисоб буюртмалардан ҳам билса бўлади.

Биргина ўтган ойнинг ўзида чирчиқлик машинасозлар Ўрта Осиё республикаларига 5 мингдан зиёд турли хил культиваторлар, канал қазувчи ва кўрак теруувчи машиналар, шунингдек, 50 минг сўмликдан зиёд эҳтиёт қисмлар жўнатишди. Куба, Миср Араб Республикаси, Ироқ, Судан, Сурия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва барча социалистик мамлакатларга давлат Сифат белгисига эга бўлган 400 дан ортиқ турли маркадаги қишлоқ хўжалик машиналарини экспорт қилди.

Бундан ташқари, корхона Тошкент трактор, «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш» ва агрегат заводларига кооперация асосида пўлат қуйилмалари етказиб бермоқда.

Т. УРУНОВ.

ЯНГИ СОВХОЗЛАР

Тошкент областида янгидан ташкил қилинган сабзавотчилик—картошка етиштирувчи совхозлар учун ер ажратиб бериш тугалланди. Бундай совхозлар тўртта бўлиб, иккитаси Оҳангарон районида ва Юқори Чирчиқ ҳамда Ўрта Чирчиқ районларида биттадан ташкил топди. Ихтисослаштирилган хўжаликлар лалми ерларда ташкил этилиб, «Ҳамдам» деб аталган янги канал суви билан таъминланади.

«Ҳар бир совхозга 2200—2400 гектар қўриқ ер ажратиб берилди. Бу ерда сабзавот ва картошкадан ташқари, мева ва узум ҳам етиштирилади.

Ҳар бир хўжалик йил сайин ўн минг тонна сабзавот ва картошка, 3,5 минг тонна мева ва узум, шунингдек кўп миқдорда гўшт-сут маҳсулоти етиштира олади. Келгуси йили янги совхозлар минг-минг тонналаб дастлабки маҳсулот — сабзавот ва картошка етказиб беради. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин тўла асарлар тўплами бешинчи нашрининг ўн биринчи томини ўзбек тилида нашр этди.

Бу асарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти коллективи таржима қилган. (ЎзТАГ).

МАРРА—40 ЦЕНТНЕР

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг Мажовар Асланов етакчилик қилаётган бригада заршуносларининг ўтган йили 173 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 27,6 ўрнига 33,4 центнердан хирмон кўтарган эдилар.

Бу йил улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллик тўйини ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта ҳосили олиш билан кутиб оладилар.

Ҳозир 56 колхозчи дала ишларини авж олдириб юборган. Воид Турсунов, Маҳкам Акромов каби техника ихлосмандлари ғўзаларга сифатли ишлов бермоқдалар. Олтин Турсунова, Бувинисо Орипова, Ҳидоят Тўхтасинова ва Нурхон Мишеева кабилар ғўза парваришида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Тожимурод Шомуродов, Шовфиқ Мишеев, Парда Юнусов, шунингдек Абдувоид Ниёзов каби тажрибали сувчилар асосан тунда сув тарамоқдалар. Ушаларнинг ғайратшижоати туфайли ҳозир иккинчи сув тараш тугалланди.

Колхозчиларнинг бу ерда маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратиб берилган. Дала шийпонида колхозчилар иссиқ овқат, чой билан таъминланмоқдалар. Дала шийпонида телевизор, радиоприёмник газета-журналлар бор.

Э. ТУРСУНОВ.

АВЖИ БАЛАНД ҒЎЗАЛАР

«Қизил октябрь» колхозининг Довуд Аҳмедов бошлиқ бригада далаларида ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда. Бригада аъзолари бу йил гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришга ваҳд қилганлар. Сўз бердингми, унинг устидан чиқ, деган халқимизнинг ҳикматли сўзига амал қилаётган сергайрат пахтакорлар ҳосил тақдири ҳал қилинадиган шу кунларда ғўзаларни оби-ҳаётга қондиришга интилмоқдалар.

Қ. Ҳошимов ва Ғ. Аҳмедов каби сувчилар кунига 3—4 гектар майдонни сувдан чиқармоқдалар. Сувга қонган ғўзалар кун сайин гуркираб ўсиб, мўл ҳосил тўпланмоқда.

Бригаданинг илғор аъзолари Т. Тошбоева, С. Тўлабоева, З. Ҳошимова ва Т. Далибоева кабилар ғўза парваришида актив иштирок этишяпти. Улар июль ойида ҳам ғўза парваришини янада уюшқоқлик ва тез суръат билан ўтказиш учун учун курашмоқдалар.

М. ОРИПОВ.
Чиноз райони.

СОВЕТ КИШИЛАРИ МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

Биз пахтакорлар Москва шаҳрида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев билан АҚШ Президенти Ричард М. Никсон ўртасида олиб борилган музокаралар якунидан ғоятда мамнун бўлдик. Бу учрашув халқаро иқлимни юмшатишда тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Музокаралар сўнггида имзоланган ҳужжатлар тинчликсевар, прогрессив кучларнинг халқаро ҳаётдаги энг муҳим проблемаларни ҳал этишга оқилона ёндошилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Барча меҳнаткашлар, шу жумладан биз деҳқонлар ер юзида тинчлик мустаҳкамланишидан, халқ фаровонлиги ва маданий ҳаётининг йил сайин юксалиб боришидан тўла-тўкис манфаатдормиз. Юқорида ўтказилган Совет—Америка музокаралари энг аввало ана шу мақсадга қаратилган.

Шу кунларда бизнинг колхозимиз аъзолари юбилей йилида олган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун катта ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳар гектар ердан мамлакатимизга камида 35 центердан «оқ олтин» етказиб бериш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантириш, колхоз қишлоғини ободонлаштириш, қишлоқ аҳлининг маданий ҳаётини янада кўтариш бизнинг эзгу ниятимиздир.

Ҳозир кенг пахта майдонларида, чорвачилик фермаларида олиб борилаётган қизғин меҳнат тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йили ҳам катта ютуқлар йили бўлишини кўрсатиб турибди. Биз Ватанимиз фаровонлиги, халқимизнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

Мирзааҳмад ҲАИИТБОЕВ,
Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, область Советининг депутати.

* * *

Бошқармамиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев билан Америка Қўшма Штатлари президенти Ричард Никсоннинг юксак доирадаги учрашувларига катта умид боғлаб, бу оламшумул аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеани сабрсизлик билан кутган эди. Коллективнинг ҳар бир аъзоси икки буюк давлат ўртасидаги дўстона музокаларнинг боришини зўр эътибор билан кузатиб турди ва унинг натижасини ғоят мамнунлик билан қарши олди.

Ядро қуролларини ер остида синашни чегаралаш тўғрисида имзоланган совет-америка шартномаси ҳар икки давлат ўртасида тинч-тотув яшаш, ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш йўлида бошланган ҳаракатнинг тобора ҳаётийлашиб бораётганлигини янада ёрқин исботлади. Халқаро вазиятдаги бундай қувончли натижаларга КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программаси йўлидан бориб эришилмоқда. Биз партия ва ҳукуматимизнинг жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида олиб бораётган сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

И. МИРЖАЛОВ.
Ангрендаги шахта-қурилиш бошқармасининг бошлиғи, Ленин ордени кавалери.

Бекобод районида маккажўхори дан юқори ҳосил етиштириш учун курашаётган бригадалар кўп. Шулардан бири Ленин номли колхознинг Бобожон Абдусаломов бошлиқ бригада аъзолари 96 гектар ерга маккажўхори экиб, 70 гектарини дон учун парвариш қилмоқдалар. Улар ҳар гектар ердан 80 центнердан дон, 550 центнердан силос олиш учун курашмоқдалар. Суратда: (чапдан) бригада бошлиғи Б. Абдусаломов, (ўнгда) ўсимликни культивация қилиб, озиқлантирмоқда.

Т. Маҳкамов фотолари.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ЎРТАСИДА ЯДРО ҚУРОЛИНИНГ ЕР ОСТИ СИНОВЛАРИНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Қуйида томонлар деб аталувчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари,

ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга имкони борича тезроқ эришиш ҳамда стратегик қуролларни қисқартириш, ядро қуролини тарк этиш ҳамда қатъий ва самарали халқаро контрол остида ялпи ва тўла қуролсизланиш йўлида самарали чораларни кўриш ниятида эканликларини баён қилиб,

ядро қуролини атмосферада, космик фазода ва сув остида синашни тақиқлаш тўғрисидаги 1963 йил шартномаси қатнашчиларининг шу шартнома муқаддимасида ифода этилган ядро қуролини синаш мақсадидаги ҳар қандай портлатишларни абадий тўхтатишга эришишга интилиш ва шу мақсадда музокараларни давом эттириш тўғрисидаги қатъий ахд-паймонини эслатиб,

ядро қуроли синовларини янада чеклашга доир тадбирларнинг кўрилиши шу мақсадларга эришишга кўмаклаша олишини ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни янада юмшатиш манфаатларига муносиб келишини қайд этиб,

ядро қуролининг атмосферадаги, космик фазода ва сув остидаги синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги шартноманинг ҳамда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг мақсадларни ва принципларига ўзларининг содиқ эканликларини таъкидлаб, қуйидагилар тўғрисида бир битимга келдилар:

I МОДДА

1. Томонларнинг ҳар бири 1976 йил 31 мартдан бошлаб ўз юрисдикцияси ёки назорати остидаги ҳар қандай жойда 150 килотоннадан ортиқ қувватга эга бўлган ядро қуролининг ҳар қандай ер ости синовларини тақиқлаш, унинг олдини олиш ва ўтказмаслик мажбуриятини олади.

2. Томонларнинг ҳар бири ўзининг ядро қуроли ер ости синовларини энг оз миқдор билан чеклайди.

3. Томонлар ядро қуролининг ҳамма ер ости синовларини тўхтатиш проблемасини ҳал этишга эришиш мақсадида музокараларни давом эттирадилар.

II МОДДА.

1. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома қоидаларига риоя этилишига комил ишончни таъминлаш мақсадида ўз ихтиёридаги миллий техникавий контрол воситаларидан халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принципларига мувофиқ равишда фойдаланади.

2. Томонларнинг ҳар бири ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ўз вазифаларини бажараётган иккинчи томоннинг миллий техникавий контрол воситаларига зарар етказмаслик мажбуриятини олади.

3. Ушбу шартноманинг мақсадлари ва қоидаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун томонлар, зарурат туғилган ҳолда, бир-бирлари билан маслаҳатлашиб турадилар, запрослар берадилар ва шундай запрослар муносабати билан бир-бирларига маълумот тақдим этадилар.

III МОДДА

Ушбу шартноманинг қоидалари томонларнинг тинч мақсадларда ўтказадиган ер ости ядро портлатишларига нисбатан жорий этилмайди. Тинч мақсадларда ўтказиладиган ер ости ядро портлатишлари битим билан тартибга солинади, шундай битимни тузиш хусусида томонлар музокаралар олиб борадилар ва бу битим имкони борича тезроқ тузилади.

IV МОДДА

Ушбу шартнома томонлардан ҳар бирининг конституциясида белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ ратификация қилиниши лозим. Ушбу шартнома ратификация ёрлиқлари алмаштирилган кунда кучга киради.

V МОДДА

1. Ушбу шартнома беш йил мобайнида ўз кучини сақлаб қолади. Башарти бундан барвақтроқ муддатда ушбу шартноманинг 1 моддада 3-бандида белгиланган мақсадларни амалга оширувчи битим тузилмаса, ягар томонларнинг бири ушбу битимга амал қилишини тўхтатиш тўғрисида иккинчи томонни шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан кечи билан олти ой аввал хабардор қилмаса, ушбу шартнома навбатдаги беш йиллик муддатларга узайтирила беради. Шу муддат тугагунга қадар томонлар, заруратга қараб, ушбу шартноманинг моҳиятига алоқадор вазиятни кўриб чиқиш ҳамда шартнома текстига эҳтимол тутилган тузатишларни киритиш учун маслаҳатлашувлар ўтказишлари мумкин.

2. Томонларнинг ҳар бири башарти ушбу шартноманинг мазмунига боғлиқ бўлган фақулодда вазиятлар ўзининг олий манфаатларини хавф остида қолдирди, деган қарорга келган тақдирда ўзининг давлат суверенитетини амалга ошириш тартибида шартномадан чиқиш ҳуқуқига эгадир. У ўзининг шундай қарорини қабул қилганлиги тўғрисида ушбу шартномадан чиқишидан олти ой аввал иккинчи томонни хабардор қилади. Бу хабарномада хабардор қилувчи томон ўзининг олий мақсадларини хавф остига қўйди, деб ҳисоблаган фавқулодда вазиятлар баён этиб берилиши лозим.

3. Ушбу шартнома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг 102-моддасига мувофиқ рўйхатга олинади.

1974 йил 3 июль куни Москва шаҳрида икки нусхада, ҳар бири рус ва инглиз тилларида тузилди, иккала текст баб-баравар кучга эга.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ.
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари

Америка Қўшма Штатлари номидан
Р. НИКСОН.
Америка Қўшма Штатларининг президенти.

ҚЎШМА БАЁНОТ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари,

уруш олиб боришнинг эҳтимол тутилган янги воситаларининг инсоният учун бўлган потенциал хавфини чеклашни истаб,

атроф муҳит билан боғлиқ бўлган соҳалардаги фан-техника тараққиёти, шу жумладан иқлимга ўтказиладиган таъсир табиий муҳитга ҳарбий мақсадларда таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланиш имкониятини очиш мумкинлигини эътиборга олиб,

шу воситалардан фойдаланиш одамларнинг фаровонлигига зарар етказадиган катта, узоқ муддатли ва жиддий оқибатларни келтириб чиқариш мумкинлигини эътироф қилиб,

шунингдек, фан-техника тараққиётидан лозим даражада фойдаланиш инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирини яхшилашга олиб бора олишини тан олиб:

1. Табиий муҳитга ҳарбий мақсадларда таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланишнинг хавф-хатарини йўқотиш йўлида мумкин бўлган энг самарали тадбирларни ёқлаб чиқадилар.

2. Бу проблемани ўрганиш учун шу йил Совет ва Америка вакилларининг учрашувини ўтказишга қарор қилдилар.

3. 1-Моддада кўзда тутилган тадбирларни кўриш учун қўйилиши мумкин бўлган қадамларни ҳам муҳокама қилишга қарор бердилар.

Москва шаҳри, 1974 йил 3 июль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ.
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.

Америка Қўшма Штатлари номидан
Р. НИКСОН.
Америка Қўшма Штатларининг президенти

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

СИЕСИЙ, АХБОРОТЧИ, АГИТАТОР, СИЕСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

Йилнинг ярми орқада қолди. Ўтган ойлар бутун совет халқининг фидокорона меҳнати, катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан характерланади. Совет кишилари беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборишди.

Республикамиз ҳамда пойтахт области ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ярим йиллик планни муддатидан илгари 25 июнда бажардилар. Зиммага олинган мажбуриятларни бажаришга область қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳозир биз энг масъулиятли даврга кирдик. Бу давр партия ташкилотларидан сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтаришни, ҳар бир коллективда кишиларнинг қизғин меҳнат қилишини талаб этади.

Барча ташкилотчилик ва агитация-оммавий ишлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Москвада сайловолди йиғилишидаги нутқини чуқурроқ тушунтириб беришга қаратилиши керак. Бу муҳим партия ҳужжатининг мазмунини ҳар бир меҳнаткашга етказиш лозим. Сиёсий ташкилотчилар, агитаторлар, сиёсий ахборотчиларнинг биринчи навбатдаги вазифаси ана шундан иборат, улар ҳар бир совет кишисига белгиловчи йилнинг юксак талабларини ҳар томонлама тушунтириб беришлари, мусобақанинг янги кўтаринкилигига эришишлари лозим.

Партия ташкилотлари агитатор кадрлар учун мунтазам ишловчи семинарнинг навбатдаги машғулотини ўтказишлари керак. Шу мақсадда «Республика партия ташкилотида идеология ишининг аҳволи ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XV пленумининг материалларидан фойдаланиш тавсия этилади (Республика ва область газеталарининг шу йил 12 ва 13 июнь сонлари).

Июль ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш мумкин:

МАМЛАКАТ ИЧКИ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи меҳнаткашларининг сайлов олди йиғилишидаги нутқи. (Марказий, республика, область газеталарининг 15 июнь сони).

Ленин номи билан 50 йил («Агитатор» журнали, 12-сон, 3—7 betлар).

Комсомолнинг кучи партия раҳбарлигида («Партия турмуши» журнали, 6-сон, 3—8-betлар).

Мусобақа — бу омманинг ижоди («Экономика и жизнь» журнали, 5-сон, 56—61-betлар).

Ижодий ишлайлик («Агитатор» журнали 12-сон, 19—20-betлар).

Совет кишилари фаровонлиги учун («Новое время» журнали, 24-сон, 18—19-betлар).

Балиқчилар тўри тўлмоқда — 14 июль — Балиқчилар кунига («Агитатор» журнали 11-сон, 15—16-betлар).

28 июль — Ҳарбий-Денгиз Флоти куни (Вақтли матбуот).

МАМЛАКАТ ЭКОНОМИКА ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Халқ манфаатларини ўйлаб («Агитатор» журнали, 11-сон, 2-бет).

Тежаш режимини сақлайлик («Экономика и жизнь» журнали, 6-сон, 25—27-betлар).

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига доир материаллар («Экономика и жизнь» журнали, 5-сон, 3—54-betлар).

Партия кўрсатмалари бажарилмоқда — 21 июль — Металлургчилар кунига («Агитатор» журнали, 11-сон, 12—14-betлар).

Хўжаликнинг муҳим соҳаси — 28 июль — Савдо ходимлари кунига («Агитатор» журнали 12-сон, 29—31-betлар).

Халқ хўжалик пахта комплексини ривожлантириш масалалари («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 6-сон, 30—38-betлар).

Пахта етиштириш рентабеллигининг таҳлили («Экономика и жизнь» журнали, 6-сон, 60—61-betлар).

Справкалар учун материаллар: СССР саноати 1974 йилнинг беш ойи ичида («Экономическая газета»нинг 25-сон 7-саҳифаси).

Чорвачилик: беш ой якунлари («Экономическая газета»нинг 25-сон 18-бети).

Чорвадорлар меҳнатига ҳақ тўлаш («Экономическая газета»нинг 24-сон, 19-бети).

ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Урушдан кейинги беш йилликлар йилларида — Ўзбекистон Компартияси тарихидан («Партия турмуши» журнали, 6-сон, 38—44-betлар).

Жамоатчилик фикри ва аҳлоқ тарбияси («Агитатор» журнали, 11-сон, 17—19-betлар).

Ўзбек совет адабиётининг интернационал алоқалари («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 6-сон, 55—62-betлар).

Ленин кўрсатган йўлдан («Экономическая жизнь» журнали, 6-сон, 3—7-betлар).

В. И. Ленин асарларида Ўрта Осиё статистикаси («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 6-сон, 25—29-betлар).

Қонунларга риоя қилиш — ҳамманинг ва ҳар кимнинг иши («Агитатор» журнали 12-сон, 34—36-betлар).

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси тузилганлигининг 50 йиллигига доир материаллар («Ўзбекистон агитатори» журналининг 9—12-сонларида эълон қилинган).

Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашнинг кучли омили («Ўзбекистон коммунисти» журнали, 6-сон, 47—54-betлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Социалистик интернационализмнинг ўсиб бораётган кучи («Партийная жизнь» журнали, 11-сон, 11—17-betлар).

В. И. Ленин Совет—Америка муносабатлари тўғрисида («Международная жизнь» журнали, 6-сон, 13—21-betлар).

Американликлар шундай ўйлайдилар («Новое время» журнали, 24-сон, 7—8-betлар).

АҚШ Президенти Р. Никсоннинг ССРга визити материаллари (Вақтли матбуот).

Женева Конференцияси ва Яқин Шарқда тинчликни сақлаш истиқболлари («Международная жизнь» журнали, 6-сон, 86—91-betлар).

Совет—Сурия дўстлигининг янги уфқлари («Международная жизнь» журнали, 6-сон, 91—95-betлар).

Жанубий Вьетнам: Битимларни ким бузмоқда. («Агитатор » журнали 11-сон, 34—36-betлар).

Бирлик ва дўстлик кучи — 11 июль — Монголияда халқ революциясининг галабаси кунига («Агитатор» журнали, 12-сон, 53—55-betлар).

Хитой Коммунистик партияси X съездидан кейин Пекининг ташқи сиёсати («Международная жизнь» журнали, 6-сон, 33—46-betлар).

Португалия («Агитатор» журнали, 12-сон, 57—60-betлар).

Уругвайда реакциянинг бебошлиги («Агитатор» журнали 12-сон, 56—57-betлар).

Эслатма: Суҳбатларга тайёрланган вақтда вақтли матбуот, маҳаллий факт ва мисоллардан фойдаланинг.



ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДА

ТОШКЕНТ метросининг «Ҳамза» станциясида қурилиш ишлари кенг қулоч ёйди. Бу йил станцияда 14 миллион сўмлик иш амалга оширилади. Суратларда: станциянинг кўриниши (чапда). Комсомол аъзоси, проходкачи Г. Люстер «Ҳамза» станцияси қурилиши бошлангандан бери шу ерда меҳнат қилмоқда. У ҳозир метро қурувчиси учун керакли бўлган бирнеча касбни эгаллаб олган.

В. Таран фотолари.

„СОЮЗ-14"—СТАРТ ДАМЛАРИ

Старт олдидан бериладиган сўнгги командалар янграйди, ниҳоят ракета теварак-атрофни гумбирлатиб кўкка интилади, осмонда унинг оловли изи кўзга ташланади...

Инсоннинг коинотга биринчи бор парвоз қилганлигини бутун дунё ҳаяжон билан билган кунга атиги 13 йил бўлди. Шунча қисқа муддат ичида инсоният бу соҳада беҳисоб кўп нарсаларни билиб олди.

Биз «Союз» туркумидаги ўн тўртинчи кемани космодром «цехлари»дан бирида монтаж қилиб қўйилган баланд «ҳавоза» оралиғида старт арафаси кунлари кўрдик. Кенг зал катта операция хонасини эслатади. Оқ халат кийиб олган мутахассислар учирувчи ракета корпусига қўшилиб кетган кеманинг энг муҳим узелларига ўз қўллари билан сўнгги сўзларни айтиб қўймоқдалар. Бизга таниш оппоқ гўзал «Союз»нинг ташқи қиёфаси унчалик ўзгармаган. Аммо мутахассислар унинг биринчи синов парвозидан бери ўтган йиллар мобайнида шу қадар мураккаб ва хилма-хил ишларни унинг зиммасига юкладиларки, энди уни ҳақли равишда космоснинг универсал меҳнаткаши деса бўлади.

Биринчи марта бир-бирига туташтирилган бошқарилувчи икки кема «Союз» туркумидан эди. Биринчи орбитал илмий станция ҳам транспорт кемаси сифатида «Союз» белгиси билан тўлган эди. Орбитада хилма-хил машқларни ўтказиш, ихтисослаштирилган илмий обсерваторияларни яратиш, ривожланиб бораётган космик ершунослиги соҳасида қўйилган дастлабки қадамлар ҳам тарихга «Союз» кемасининг номи билан киради.

«Союз-14» космик кемасини учириш давлат комиссиясининг раиси стартдан бир кун аввал бизга бундай деди:

Бу парвозни фақат иш мақсадларини кўзловчи парвоз деб ҳисоблаганлар. Бу — космик тадқиқотларда навбатдаги меҳнат йилнинг боскичларидан бири бўлади.

Аммо ҳар қандай старт гарчи фақат «иш мақсадларини кўзлаган» тақдирда ҳам, ҳамиша космодромда шу парвозни тайёрлаганлар учун ҳам, шунингдек уни четдан кузатиб турганлар учун ҳам унутилмас воқеа бўлиб қолади. Старт комплексидаги ҳар бир иш минутма-минут ёзиб қўйилган.

Бу ерда ишлатиб юборилган хронометрга ракетани стартга тайёрловчи юзлаб мутахассисларнинг ҳаракатлари бўйсундирилган.

Кема экипажини парвозга тайёрлаётган медикларнинг ҳам ўз юмушлари бор. Космодромда икки ҳафтадан бери гармсел бўлиб турибди. Салқиндаги симоб устуни 50 белгисига яқинлашмоқда. Ҳавонинг энг оз намлиги — 15 процент. Ҳатто Львов заводининг инженерлари космонавтлар учун махсус жиҳозлаб берган ва ўзининг «иқлим фабрикасига» эга бўлган янгигина автобус ҳам бундай иссиқда жонга аро кирита олмайди. Бунинг устига врачлар белгилаб қўйган қатъий қоидага кўра, автобусининг кондиционерлари салонни ташқаридаги ҳаво ҳароратига нисбатан ўн градусдан ортиқ совўтиш «ҳуқуқи»га эга эмас. Космонавтлар автобусга скафандрларда кирадилар, ўринларига ўтириб олиб ҳаётни таъминлаш системаларини скафандрларга улайдилар.

Павел Попович билан Юрий Артюхин шу кўчма космик уйдаги ўз ўринларига кирмасларидан аввал бизга улар билан учрашишга рухсат берилади. Уларнинг ҳар иккаласи, айниқса Артюхин жуда жиддий. Сабаб? Бунинг сабаби иссиқ эмас, балки салмоқли борт-журналидир. «Йўл-йўлакай программанинг ҳамма моддаларини такрорлаб юрибман. — Орбитада қимматли вақтни бекор ўтказмаслик учун уларни ёдлаб олмоқчиман. Чунки парвоз программаси тиғиз. Биз «Салют-3» орбитал станцияси билан биргаликда экспериментлар ўтказишимиз лозим.

Ер қосмонавтларни тўлқинлантирувчи сўзлар билан кузатиб қолди. Ракета ёнида ўтказилган анъанавий митингда инженерлар, старт комплексининг мутахассислари сўзга чиқадилар, комсомол ташкилотининг секретари Александр Матвеев экипаж командирига стартчи комсомоллардан вимпел топширади. Вимпелда комсомолнинг эллиқта значоги тасвирланган ва «Ленин номи билан 50 йил» сўзлари ёзилган.

Митингда сўзга чиққан старт комплекси раҳбарларининг, экипаж аъзоларининг нутқларида бўлажак парвознинг муваффақиятига ишонч, космик фани ва техникасини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик учун Коммунистик партиянга миннатдорчилик сўзлари янгради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида фаннинг коммунистик қурилишдаги ролига берилган юксак баҳони шараф билан оқлаймиз, дейишди улар. Космик фани ва техникасининг ютуқлари бутун дунёда кескинликни юмшатиш учун ёлиб бораётган курашнинг авангардида бораётган Совет мамлакатининг олижаноб миссиясини қудратли равишда мустаҳкамлайди.

Яна икки соатдан кейин старт. Космодромда қош қорая бошлади. Старт қурилмаларининг пўлат қўллари қалин ракетанинг қумуш танасини маҳкам қучоқлаб турибди. Юзлаб шланглар ва қувурлар бамисоли қон томирларидек бу мураккаб механизмга ҳаёт бахш этмоқда. Мана, бутун космодромга таниш автобус космонавтларни ракета ёнига келтирди.

Икки кишининг қиёфасини прожекторлар тун қоронғусида ёритиб турибди. Ҳамманинг нигоҳи уларга қаратилган. Павел Попович билан Юрий Артюхин самовий стартга шаҳдам одим ташлаб бордилар. Улар енгил оқ скафандларни қийиб олишган. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, икки азамат юқори майдончада. Улар кеманинг ланг очиб қўйилган эшиги ёнида туришар эди. Старт!

Н. ЖЕЛЕЗНОВ.
ТАСС махсус мухбири.
БОЙКОНУР КОСМОДРОМИ.

АССАЛОМ, КОСМОНАВТЛАР

Буюк парвозларнинг давоми бўлиб,
«Союз-14» эркин чиқди фазога,
Қанчалар қувониб, кузатмоқдамиз,
Офарин айтамиз янги парвозга.

Она-Ватанимиз, бутун халқимиз,
Гагарин дўстларин қутлар юракдан,
Инсон қудратининг, жасоратининг,
Шеъри тўқилади илҳом, тилакдан.

Тинчлик замонида кўкларга чиқиб,
Оламни айланиб, юрибсиз, балки,
Довюрак йигитлар, лочин йигитлар,
Олқишлар айтамиз шодлик туфайли.

Ҳар ерда сўзингиз, суратингиз бор,
Қараб олқишлаймиз оналар қувнар,
Шундай ўғилларни ўстира олган,
Оталар юракдан жўш уриб ёнар.

Советлар Шарқидан ассалом деймиз,
Азиз ватандошлар, қайтингиз омон.
Сизни улуғлайди ва эркалайди,
Тинчлик мандатини тутқазган замон!..

Юсуфжон ҲАМДАМ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ТОШКЕНТ ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг «Ором» ансамбли студентлар ўртасида обрў қозонди. Унинг репертуаридаги ранг-баранг номерлар бахтиёр ёшлик, фаровон турмуш ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, «Орзу» эстрада ансамблининг чиқишлари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳар иккала коллектив қишлоқ хўжалик институтлари бадиий ҳаваскорларининг Бутуниттифоқ фестивалида қатнашиб, диплом эгаси бўлди.

И. ЭРГАШЕВ.

ЧИРЧИҚ шаҳрида ташкил этилган радиоуниверситет машғулотлари жуда қизиқарли ўтди. Унинг ҳар бир эшитгириши маълум программа асосида олиб борилди.

«Педагог минбари», «Биласизми?» деган мавзуларда ҳам туркум лекциялар ўқилди. Бунда университет активларидан Ф. Автономова, Л. Вишинскаяларнинг хизмати катта.

Радиоуниверситет «Социалистический Чирчиқ» шаҳар газета редакцияси томонидан оталиққа олинган.

Т. УРУНОВ.

ЧИНОЗ район маданият уйида машинкада ёзишни ўрганиш курси очилган эди. Курс машғулотлари олти ойга мўлжалланган.

Яқинда уни ёш мутахассисларнинг биринчи отряди тамомлади. Хотин-қизлардан 50 киши шу ихтисослиги эгаллади.

Шу билан бирга маданият ўчоғида олти ойлик курс — бичиш-тикиш курси ишлаб турибди.

Р. ХОЛДОРОВ.

БЕШЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ

САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга, барча совет гражданларига Мурожаатига жавобан Ангреи керамика комбинати коллективи йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ярим йиллик планни муддатидан илгари — СССР Олий Советига сайловлар ўтказиладиган кунгача бажаришга аҳд қилган эди. Бу юксак мажбуриятни муваффақиятли бажариш йўлида астойдил ҳаракат қилган коллектив ўз сўзи устидан чиқиб, ярим йиллик маҳсулот реализация қилиш планини 15 июнда шараф билан бажарганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди.

Қолган вақт ичида планга қўшимча 53 минг сўмлик ялпи маҳсулот реализация қилинди. 1300 квадрат метр керамик плита, 11 шартли километрдан ортиқ керамик қувурлар, 1120 дона керамик санитария-техник жиҳозлар пландан ташқари ишлаб чиқарилиб, жаъми 51 минг сўмлик соф даромад олинди. Меҳнат унумдорлиги 1,1 процентга ошди. Маҳсулот таннархи 6 процентга арзонлашди.

Керамикачиларнинг бундай юқори кўрсаткичларга эришишида қизғин авж олдирилган социалистик мусобақа ҳал қилувчи роль ўйнади. Комбинатда барча цех, смена, бригада коллективлари ўзаро мусобақадош. Оширилган шахсий социалистик мажбурият қабул қилиб, конкрет шартнома асосида мусобақалашаётган илғор ишчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Бутун биз ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилиб қувончли натижаларга эришаётган икки илғор цех бошлиқларига сўз берамиз.

Виктор Николаевич ПОНОМАРЕВ,
плита цехи бошлиғи вазифасини бажарувчи.

ЦЕХИМИЗ коллективи ўзининг дастлабки маҳсулотини реализация қилганига саккиз йил бўлди. Тўғрисини айтганда, биз дастлабки беш йил ичидаги меҳнатимиз натижаси билан фахрлана олмаймиз. Шу беш йил мобайнида бирор ой ёки бирор йил давлат планининг кўнгилдагидек бажарилганини эслай олмайман. Лекин шуниси ҳам борки, сўнгги уч йилдан бери бирор ой, квартал, йил йўқки, давлат планини адо этишдан ташқари оширилган социалистик мажбуриятимизни ҳам ортиғи билан бажармаган бўлайлик. Мана энди цехимиз ишчиларининг комбинат коллективи олдида юзлари ёруғ. Авваллари цех қолоқликдан қутулолмай, умумий ишни орқага тортиб келган бўлса, эндиликда барчага намуна бўлиб, уларни ҳам олга ундовчи, аҳил, илғор коллективга айланди.

Ишлаб чиқаришда бундай кескин бурилиш ясаш имконини берган омил нима эканлигини цехимиздаги ҳар бир ишчи жуда яхши билади. Бу—анча вақтдан бери ҳаётий тажрибаларда ўз қудратини тўла-тўкис намойиш этаётган социалистик мусобақа шарофатидир.

Безак плиталар цехи коллективининг таклифига биноан улар билан социалистик мусобақа шартномаси тузганимиздан сўнг янада катта масъулият ҳис этган ҳолда меҳнат қила бошладик. Аста-секин ишларимиз юришиб кетди. Ҳар икки мусобақадош цех коллективи ишлаб чиқараётган маҳсулотлари тури ҳар хил бўлсада, ишлаб чиқариш технологияси деярли бир хил эди. Шунинг учун биз цехимизда бирор янгиликни ихтиро қилиб, уни ишлаб чиқаришга жорий этишдан аввал мусобақадошларимиз билан маслаҳатлашамиз. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, янгиликни янада тўлдириб, сўнг бригаликда фойдаланамиз. Мусобақадошларимиз ҳам бирорта янгилик ихтиро қилишса биз билан баҳам кўришади. Шу йўл билан ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилиб, меҳнат жараёнларининг узлуксиз давом этишига эришилмоқда.

Биз ўтган уч йил ичида социалистик мусобақани ташкил этиш борасида катта тажриба орттирдик. Комбинат партия ва касаба союз ташкилотларининг амалий ёрдамида социалистик мусобақанинг тўла ошкорлиги ва таъсирчанлигига эришдик. **Бугунги кунда цехимизда меҳнат қилаётган ишчиларнинг 98 проценти социалистик мусобақага жалб этилган. Мусобақага ҳар ой охирида якун ясалиб, шахсий мажбуриятини 130 процентдан ошириб адо этган ишчиларнинг ном-фамилиялари цехнинг кўринарли ерига ўрнатилган эълонлар тахтасига осиб қўйилади. Бундан ташқари, мусобақа натижалари тўла сарҳисоб қилиб чиқилгандан сўнг, цех коллективининг умумий йиғилишида голибларга тантанали суръатда кўчма вимпеллар, қиммат-баҳо буюм ва пул мукофотлари топширилади.**

Социалистик мусобақани кенг йўлга қўйганимиздан бери цехимизда вақтдан ўзиб ишлаётган беш йиллик илғорларининг сафи кенгайиб бормоқда. **Ҳозирги кунда коллективнинг 28 аъзоси тўққизинчи беш йиллик сўнгги йилининг январь-май ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.** Уларнинг кўпчилиги шахсий беш йиллик планини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган.

Белгиловчи йилнинг ўтган ярмига якун ясаладиган кунлар бошланди. Биз ҳам республикамизнинг олтин тўйига атаб қабул қилган олти ойлик социалистик мажбуриятимизни 25 июнда, яъни мусобақадошларимиздан бир кун кейин якунладик. Лекин биз бундан ташвишланаётганимиз йўқ. Чунки тантанали байрам кунигача мусобақадошларимизга етиб олиш учун вақт етарли. Ҳа, қизғин беллашувлар ҳали олдинда.

Галина Владимировна МАЗУРОВА,
безак плиталар цехининг бошлиғи.

БИЗНИНГ цехимиз комбинатда ҳар жиҳатдан ҳам ёш ҳисобланади. Цех ишга тушганига эндигина уч йил бўлаётир. Ёш ишчилар коллектив аъзоларининг 85 процентини ташкил этади. **Улардан 139 киши Коммунистик меҳнат зарбдори, 89 процент ишчи эса «1973 йил социалистик мусобақаси голиби» бўлди.** Дарвоқе, социалистик мусобақа қудратига таяниб иш юритган коллектив ҳеч қачон доғда қолмас экан. Биз бунга цехимиз мисолида тўла ишонч ҳосил қилдик.

Цех эндигина иш бошлаган йилларда кадрлар қўнимсизлиги юқори бўлганлиги учун маълум давргача йиллик планлар бажарилмай келинди. Цех маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қолоқликдан қутилиш учун курашни, аввало, шу кадрлар қўнимсизлигини тугатишдан бошлаш керак, деган хулосага келдилар.

Ўша пайтларда кадрлар қўнимсизлигини тугатишда плита цехи коллективи катта тажрибага эга эди. Биз тажриба алмашиш учун улардан ёрдам сўрадик. Ҳамкасбларимиз бажонидил розй бўлишди.

Эндиликда ҳар икки цех коллективи обрўсини ошириб келаётган социалистик мусобақа ана шу зайлда бошланган эди. Орадан кўп вақт ўтмай меҳнат интизоми яхшиланди, прогулчилик тугатилди. Ишлар ўртасида аввалгидек ишга лоқайдлик, ишончсизлик билан қараш, маошнинг озлиги ва меҳнат жараёнининг зерикарли эканлигидан ночиб ишдан совиш ва бўшаб кетишга уриниш ҳоллари бутунлай барҳам топди.

Социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ортиб борган сари унда иштирок этиш истагини билдирувчиларнинг кўпайиб бориши табиийдир. Ҳозир цех коллективининг ҳар бир аъзоси юбилейга атаб ошириладиган шахсий мажбурият қабул қилиб, ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қилаётир.

Социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқишда ишчиларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, касб-маҳоратини юксалтириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда актив иштирок этиш масалаларига алоҳида ўрин берилган эди. Натижада ишчиларнинг ижтимоий онги ўсди, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Ҳозир ишчиларимиз бир-бирларига эргашиб, бир-бирларидан ўрганишдан ташқари, бир-бирларини иззорат ҳам қилиб борадилар. Чунки улар юқори кўрсаткичларга фақат коллектив аъзоларининг умумий ҳаракати билангина эришиш мумкинлигини яхши тушунадилар.

Мусобақадошларимиз билан шартнома тузиш пайтида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашни энг муҳим кўрсаткичлар қаторига қўйган эдик. Бу тадбир ҳам ўз самараларини бераётир. Ҳозир биз пардозлов ҳамда бино пештоқларига ишлатиладиган плиталарни давлат сифат белгиси олишга тақдим этганмиз. Сифат белгиси учун кураш жараёнида ишчиларнинг ижодий активлиги янада ошди. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўз қўлидан чиқаётган маҳсулотнинг эътибор қозониши йўлида астойдил жон қуйдирмоқда.

Социалистик мусобақанинг шарофати билан сўнгги бир йил ичида меҳнат унумдорлиги кескин юксалди. Белгиловчи йилнинг олти ойлик плани 20 июнда, социалистик мажбурият шартлари эса 24 июнда тўлатўкис бажарилди. **Ҳозир Галина Устинович, Валентина Савенко, Энвер Музаффаров, Абдулла Исроилов, Тоҳир Губайдулин сингари социалистик мусобақа илғорлари бўлган 52 ишчи 1975 йилнинг январь-май ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.**

Биз юбилей йили социалистик мусобақасида голиб чиқиш учун бундан буён ҳам барча имкониятларни ишга соламиз.

БУГУН—ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

КООПЕРАТОРЛАР БАЙРАМИ

Бугун барча мамлакатларнинг кооператорлари Халқаро кооперация кунини 52-марта нишонлайдилар.

Мамлакатимиз кооператорлари бу байрамни меҳнат ва снёсий активликлари ортган, КПСС Марказий Комитетининг қатор муҳим кўрсатмаларидан руҳланган ҳолда кутиб олмоқдалар. Партия XXIV съезди қарорларини мунтазам равишда амалга ошираётган матлубот жамияти ўзининг кўп қиррали фаолиятини ҳар томонлама ривожлантира бориб, социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда активлик кўрсатяпти.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шунингдек бошқа хил хомашёларни тайёрлаш ва сотиб олиш товар оборотн ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Матлубот жамиятида моддий техника базаси тобора мустаҳкамланиб бораётир. Янги-янги савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишга тушди. Харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти ошди. Уч йилу олти ой ичида чакана товар обороти 32 процент ўсди. Аҳолига пландагидан 12 миллион сўмлик кўп истеъмол товарлари сотилди. Шу вақтнинг ўзида 336 савдо ва ишлаб чиқариш объектлари ишга тушди. 4 минг ўринли умумий овқатланиш корхоналари, 7 минг квадрат метр майдонни эгалловчи умумий товар складлари, 8 та нонвойхона ва бошқа объектлар қурилди. Капитал қурилиш учун 18 миллион сўм сарфланди.

Область кооператорлари янги қурилишлар билан бирга, савдо майдонини кенгайтириш мақсадида мавжуд магазинларни реконструкция қилиб, ички резервлардан унумли фойдаланишяпти. Албатта, бу изланиш сезиларли самаралар берди. Фақатгина сўнгги икки йилнинг ичида 6 минг квадрат метрдан иборат савдо майдони ишга туширилди.

Капитал қурилишнинг кенг қулоч ёйиши, савдо корхоналарини йириклаштириш, ихтисослаш янгиянги универмаглар ташкил этиш имконини берди. Ҳозирги пайтда областнинг барча районларида универмаглар ёки савдо марказлари мавжуд.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданнятини юксалтириш мақсадида савдонинг прогрессив формалари, хусусан савдони ихтисослаш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, олдиндан берилган заявкалар асосида савдо сотиқ қилиш сингари методлар савдо хизматини яхшилашда муҳим роль ўйнамоқда. 1100 магазин прогрессив методлар, 944 магазин эса ўз-ўзига хизмат кўрсатиш асосида ишламоқда. Уч йилу олти ой ичида 518 магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулига ўтди ва ўтган беш йилликнинг шу даврдагига нисбатан бу соҳадаги ўсиш 2,5 баравари ташкил этди.

Бугунги кунда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлаётган магазинларнинг умумий товар оборотидаги улуши 70 процентдир. Оржоникидзе район матлубот жамиятида бу кўрсаткич 81, Юқори Чирчиқ район матлубот жамиятида 77 ва Янгийўл районидаги 72 процент бўлди.

Тошкент шаҳри, областнинг бошқа шаҳарлари ва ишчи посёлкалари аҳолисига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш анча кўпайди. Нон маҳсулотлари сотиш борасида муваффақиятларга эришилди. Область матлубот жамиятининг корхоналарида 203 минг тоннадан кўп нон ва булочка, 210 минг тоннадан кўп қандолат маҳсулотлари, 319 минг тонна мороженое, 887 минг декалитр алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқилди.

Областда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг тараққиёти тайёрлов ишлари учун катта қулайлик яратди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашё тайёрлов ҳажми 33,3 процент ўсди. Москва, Ленинград, Урал, Сибирь ва Узоқ Шарққа умуминтифоқ фонди бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари юбориш планлари ортиғи билан бажарилди.

Область матлубот жамияти бошқаришни яхшилаш борасида ҳам кўп ишлар қилди. Умумий овқатланиш бўйича 16 та хўжалик ҳисобидаги бирлашма, нон ёпиш бўйича 14 та шундай бирлашма ташкил этилди. Бундай қайта ташкил этиш ишда ижобий натижа берди. Матлубот жамиятининг кўп қиррали фаолиятиёд масалалар илгаридагига қараганда тезроқ ва малакалироқ ҳал этила бошланди. Область кооператорлари ўтган йили барча соҳалар бўйича план ва мажбуриятларни ортиғи билан бажарди. Кўпгина корхоналар Қизил байроқлар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Мингдан ортиқ кооператор эса Совет Иттифоқининг орден ва медалларига сазовор бўлишди. Мукофотланганлар орасида Янгийўл районидаги Қовунчи ишчи кооперациясининг магазин мудири Назира Риҳсибоева, Оққўрғон районидаги Октябрь қишлоқ матлубот жамиятининг магазин мудири С. Абдуқуддусов, махсус кооперация савдо бўлимининг бош ошпази А. Прокофьева, Бўстонлиқ район тайёрлов конторасининг ходими А. Ўрмонов, Оржоникидзе район матлубот жамияти правленнесининг раиси Ҳ. Раҳматуллаева, Бўка район матлубот жамияти планлаштириш бўлимининг бошлиғи М. С. Петрова ва бошқалар бор.

Кейинги пайтда область кооператорларининг Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатлари матлубот ташкилотлари билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Учрашувлар вақтида бу мамлакатлар вакиллари областимиз кооператорларининг ютуқлари, билан танишдилар. АҚШ кооперация лигасининг президенти С. Драйер бошлиқ делегациянинг областимиз матлуботчилари иши ва ҳаёти билан танишуви катта таассурот қолдирди.

Шу йилнинг июнь ойида областимизда халқаро кооперация Альянсининг раҳбар ходимларидан иборат делегация бўлиб, улар область кооператорларининг ишига юксак баҳо беришди.

Область кооператорлари беш йилликнинг белгиловчи йили топшириқларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар. 1974 йилнинг ярим йиллик плани барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарилди.

Область матлубот жамияти системасининг ходимлари халқаро кооперация кунини нишонлар эканлар, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини қизғин-қўллаб қувватлаган ҳолда 1974 йил учун қабул қилинган барча план ва мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш ҳамда Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

М. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент область матлубот жамияти правленнеси раисининг ўринбосари.

„ГУНАФША“ САВДО МАРКАЗИДА

Калинин район матлубот жамияти кооператорлари ўз байрамларини муносиб кутиб олдилар. Ярим йилликда пландан ташқари 400 минг сўмлик кенг истеъмол моллари сотилди. Райондаги «Гунафша» савдо маркази, «Шодлик» универмаги, Келес массиви магазинларида савдо маданиятини янада яхшилаш, меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун қатор тадбирлар белгиланди. Бу коллективлар квартал ва ярим йиллик планларни доимо ошириб бажармоқдалар.

«Гунафша» савдо маркази (директори Р. Иноғомов) коллективи айниқса самарали меҳнат қилмоқда. Улар савдонинг энг прогрессив метод ва формаларидан кенг фойдаланиб, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиламоқдалар. Суратларда: (ўнгдан) савдо марказига қарашли «Чавандоз» ресторанининг моҳир пазандаларидан А. Эшмўҳамедов ва А. Усмоновлар. Универмагининг озиқ-овқат маҳсулотлари бўлимининг кўриниши. Тажрибали сотувчи Қ. Ҳолиқов.

Н. Тўраев фотолари.

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Халқ фаровонлигининг йилдан-йилга ортиши аҳолининг савдога бўлган талаби ва эҳтиёжида ҳам кескин бурилиш ясади.

Эндиликда ҳар бир оила фақат тирикчилик учун зарур бўлган айрим буюмлар ва истеъмол маҳсулотлари харид қилмаяпти. Бугунги деҳқонни уйини радиоприёмник, телевизор ёки холодильникда тасаввур қилиш қийин. Кир ювиш машиналари, чанг тозалагичлар колхозчи хонадонидан жой олди. Юзлаб дала меҳнаткашлари ўзларининг енгил машиналари, мотоцикллари ва бошқа транспорт воситаларига эга.

Халқимизнинг тўқ ва файзли ҳаётида, унинг дид билан чиройли кийиниши ва рўзғорни беками-кўст юргизишида савдо ходимларининг ўзига хос ўрни бор. Шу жиҳатдан олганда районимиз кооператорларининг қатор ишлари диққатга сазовор. Кейинги тўрт йил ичида районимизда қишлоқ савдоси маданий ва иш услуби жиҳатидан сезиларли даражада юксалди. Ҳозирги замон савдо талабларига тўла жавоб бера олувчи, кўриниши кўркам ва қулай, ойнаванд бинолардан иборат савдо комплекслари вужудга келди. Илгариги пастқам, бостирмаларда жойлашган дўкончалар ўрнини янги магазинлар эгаллади. Кўплаб савдо объектлари реконструкция қилинди. Район марказида, Дўрмон қишлоғида сўнгги икки йил ичида ҳавас қилса арзигудек «Гўзал» ва «Чеҳра» универмаглари қад кўтарди.

Қишлоқ савдоси фақат кўркини ўзгартиргани қолмади. У мазмунан бойиди, савдо хизматига энг илғор усуллар жорий қилинди. Масалан, ҳозирги пайтда райондаги мавжуд 163 савдо корхонасидан 101 таси ўз-ўзига хизмат кўрсатиш асосида ишламоқда. Савдо точкаларини аҳолининг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаш давом этмоқда. Ҳозирги кунда бундай магазинлар сони 79 тага етди.

Кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, савдо ташкилотлари аҳоли билан қанчалик яқин ҳамкорликда бўлсалар, у ишда прогрессив методларни кўпроқ жорий этиш имконини берар экан. Мана бир мисол. «Гўзал» универмагида таклиф ва мулоҳазалар дафтари бор. Шу дафтарга ўтган йили бир группа харидорлар ўз мулоҳазаларини ёзиб кетишибди. «Универмагнинг фойдаланилмаётган майдони кенг, шунга бир кафетерий жойлаштирилса, харидорлар учун қулайлик яратилган бўлур эди» дейилганди хатлардан бирида. Ҳақиқатдан ҳам таклиф ўринли бўлиб чиқди. Мана ҳозир бир йилдан буён кафетерий харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Аҳолидан фойдаланилган ва эндиликда заруриятн бўлмаган саноат товарларини сотиб олиш бўйича ташкил этилган магазинлар ҳам қишлоқ савдосида янгиликдир. Биз Қибрай посёлкасида ана шундай магазин ишини йўлга қўйдик.

Маълумки, ҳамма жойдагидек савдода ҳам ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. «Гўзал» универмагида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган Ҳожия Худойберганова, Марғуба Жаҳонгирова, Азиза Эргашева, Маҳсума Рўзиева, Аня Смирнова, Киров қишлоқ матлубот жамиятида анчадан буён фаолият кўрсатаётган Мамлакат Усмонова, Дилором Пўлатова, Абдуҳалил Ганиев сингари савдо ходимлари район кооператорларининг фахри ҳисобланади.

Район умумий овқатланиш корхоналари коллективлари орасида ўз хизмати, одамларга бўлган меҳр-муҳаббати билан обрў орттирган ходимлар ҳам анчагина. «Қибрай» ресторанининг маҳсулот ишлаб чиқариш бўлими мудири Ҳамидулла Риҳиев, ошпаз Тансия Помольцева, кекса кооператор Жўра Рустамовлар шулар жумласидандир.

Кооператорларимизнинг ана шу олтин фонди қишлоқ савдосида ишлаш учун малакали ўз мутахассислигини севган кадрларни тарбиялашда бизга катта ёрдам кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда районда 1250 нафардан ортиқ кооператор халқ хизматида. Уларнинг ярмидан кўпроғи хотин-қизлар, анчагина қисми олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган ходимлардир. Ўтган йили районимиз кооператорлари мусобақада ғолиб чиқиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, касаба союзлари республика Совети, республика ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг Қизил байроғини қўлга киритдилар. Бу йилги меҳнатимиз ҳам самарали бўляпти. Районда ярим йил ичида аҳолига пландаги 15 миллион 329 минг сўм ўрнига 15 миллион 570 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди ёки план 101,6 процент бажарилди.

Эришилган бу муваффақиятлар бизнинг Халқаро кооператорлар куниига муносиб совғамиз бўлгани ҳолда, районимиз савдо ходимларини янги марралар сари илҳомлантираверади.

Ҳ. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Оржоникидзе район матлубот жамияти правленнесининг раиси.

ХИЗМАТИМИЗ—ХАЛҚҚА

Аҳолига кўрсатаётган савдо хизмати маданиятини юксалтириш, харидорлар эҳтиёжини мунтазам ҳисобга олиш, иш жараёнига прогрессив усулларни жорий эта бориш, малакани ошириш — савдо ходимларининг муқаддас бурчидир.

Районимиз кооператорлари бу топшириқларни ҳал этишда алоҳида масъулият ҳис этмоқдалар. Ҳар бир савдо объектида иложи борича кўпроқ қулайлик яратиш, харидорларни биринчи даражада зарур бўлган товарлар ва маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Қишлоқ савдо ходимларининг бу борадаги интилишлари зое кетмаяпти. Буни шу йилнинг олти ойи ичида эришилган кўрсаткичлардан ҳам билса бўлади. Ярим йил давомида пландаги 15 миллион 940 минг сўм ўрнига 16 миллион 28 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди, мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилди. Райондаги барча кооператив ташкилотлар ва район универмаги товар обороти бўйича планларни муддатидан анча илгари ado этдилар. Умумий овқатланиш корхоналари ходимлари ҳам беш йилликнинг тўртинчи йилида самарали ишламоқдалар. Улар олти ой ичида 952 минг сўмлик ўрнига 959 минг сўмлик хизмат кўрсатдилар.

«Ленинизм» қишлоқ матлубот жамияти ходимлари бундан бир ярим йил аввал деярлик барча кўрсаткичлар бўйича орқада эдилар. Бунинг сабабини синчиклаб ўргандик. Кўпгина савдо объектларида ходимлар билан ишлаш, айримларини эса алмаштириш зарурлиги аниқланди. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозирги пайтда бу қишлоқ матлубот жамиятининг коллективи аҳолига савдо хизмати кўрсатишда олдинги ўринда бормоқда. Бошқа қишлоқ матлубот жамиятлари ва ишчи кооперацияларида ҳам ташкилий ишлар талабдаги даражага кўтарилгач, районимизда ибрат олса арзийдиган тажрибалар тўпланди.

Шу йил 12 июнда область районларининг барча кооперация ташкилотларидан экономистлар, товаршунослар, илғор савдо ходимлари, қишлоқ матлубот жамияти правленияларининг раислари Янгийўл районида тўпланишиб, бу ерда аҳолига кўрсатилаётган савдо хизмати усуллари билан танишдилар. Уларга айниқса Қовунчи ишчи матлубот жамиятининг иши маъқул бўлди. Бу ерда товарлар ва маҳсулотларни реклама қилиш, кўчма дўконлар уюштириш, автолавкалар хизматидан фойдаланиш ишлари чиндан ҳам мақтаса арзигудек ташкил этилган. Бу тажриба районимиздагина эмас, область кооператорлари орасида ҳам кенг ёйилмоқда.

Районда кўп йиллардан бери савдо системасида хизмат қилиб ўз касбини шарафлаётган кооператорлар анчагина. Октябрь қишлоқ матлубот жамиятида кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган Робия Мусаева, «Ленинизм» қишлоқ матлубот жамиятидан Садриддин Муҳиддинов, «Халқобод» ишчи кооперациясидан Турсуной Назарова, Қовунчи ишчи кооперациясидан Исматулла Носировларнинг портретлари ҳамиша «Ҳурмат тахтаси»да. Улар аҳолига маданий савдо хизмати кўрсатишда ёшларга ибрат бўлиб келмоқдалар.

Кейинги йиллар ичида районимизда савдо майдони ҳам кенгайди. 1973—1974 йиллар давомида 640 квадрат метр майдон савдо объектига қўшилди. Район универмаги 180 квадрат метрга кенгайтирилди. Шу йилнинг ўзида 46 магазин ўрнига 55 магазин ремонт дан чиқарилди, 8 ошхона, 18 та тандир цехи қайта реконструкция қилинди. 2 минг тонна сабзавот, 750 тонна мева сигадиган махсус омборхоналар қурилмоқда. «Ленинизм» қишлоқ матлубот жамиятининг Зангиота поселкасида савдо маркази қад кўтарди.

Қишлоқ савдосининг ўзига хос ўзгачаликлари бўлади. Бу айниқса баҳорги экиш, ёзги ҳосил тўплаш, кузги йиғим-терим мавсумлари билан боғлиқ бўлган ишлардир. Бундай пайтларда ҳар бир савдо ходими ўзини юксак имтиҳон олдида тургандек ҳис этади.

Янгийўллик кооператорлар бундан буён ҳам қишлоқда савдо маданиятини юксалтириш, аҳолига намунали хизмат қилиш, зиммаларидаги план ва мажбуриятларини мунтазам ado этиш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

С. ОРТИҚНАЗАРОВ.
Янгийўл район матлубот жамияти правленнесининг раиси.

ЛЕКТОРЛИК МАҲОРАТИНИ ЭГАЛЛАДИЛАР

Хотин-қизлардан турмуш маданияти ва ёшларнинг аҳлоқ тарбияси масалалари бўйича лекция ўқийдиган лекторларни тайёрлаш юзасидан Тошкент область партия комитети ҳузуридаги лекторлик маҳорати мактабида ўқишлар тугади.

Бир йиллик ўқишни 65 киши тамомлаб чиқди. Улар асосан район комсомол комитетларининг, колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, мактаб директорлари ва техникумларнинг ўқитувчилари, қишлоқ Советларининг раислари, завод ва фабрикаларнинг инженерлари, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимларининг методистлари, болалар боғчаларн ва кутубхоналарнинг мудирлари, газета ва радиоэшиттириш ходимлари, врачлар, экономистлар ва бошқалардан иборат эди.

Тўрмуш маданияти ва ахлоқ мавзуида 30 га яқин лекция ва докладлар ўқилди. Тингловчилар «Ленин ва Шарқ хотин-қизлари», «Умумий турмуш гигиенаси», «Халқаро аҳвол тўғрисида», «Турмуш ва эстетика», «Янги одат ва маросимларни пропаганда қилиш, «Косметика ва хотин-қизлар», «Нотиқлик санъатининг айрим услублари тўғрисида», «Социалистик жамиятда оила ва турмуш», «Пазандалик санъати тўғрисида», «Узбек шоиралари-нинг маориф, ахлоқ масалалари бўйича қарашлари ва аёлларнинг жамиятдаги роли», «Қўшиқнинг халқни эстетик тарбиялашдаги роли тўғрисида» каби темалар билан таништирилди. Бу мавзуларда олимлардан Р. Аминова, А. Қодирова, Э. Хайитбоев, А. Сандҳўжаева, Ф. Абдуллаева, Л. Ҳўжаева, Ф. Отаҳўжаев, К. Маҳмудов, М. Алавия, А. Эркабоев ва И. Тимофеевалар лекциялар билан чиқишди.

Йиллик мактабни битирувчилар бундан буён шаҳар ва район партия комитетларининг штатсиз лекторлари сифатида турмуш маданияти ва ёшларни тарбиялаш масалалари бўйича лекциялар ўқийдилар, пропаганда тадбирларида мунтазам қатнашиб, аҳоли ўртасида агитация ишларини олиб борадилар.

Якунловчи машғулотда область партия комитети лекторлар группасининг мудири ўртоқ Т. Салоҳиддинов сўзлади.

* * *

Тошкент область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали лекторларининг областимиз шаҳар ва районларига чиқишини уюштирди. Лекторлардан Р. Расулов, С. Саидқосимов, Н. Оликова, С. Комилов, В. Дорогов ўртоқлар Янгиобод, Оҳангарон, Бўкада бўлиб, «Узбекистон ССРнинг ташкил топиши — партия ленинча миллий сиёсатининг тантанаси», «Ленин ва Узбекистон», «Ленин буржуа идеологияси тўғрисида» мавзуларида лекциялар ўқидилар.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН

Бутун жаҳонда совет-америка раҳбарларининг юксак доирада ўтган учинчи учрашувининг якунлари катта қизиқиш туғдирмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан Америка Қўшма Штатлари президенти Р. Никсон томонидан имзоланган Совет-Америка қўшма ахборотн ва бошқа ҳужжатлар чет эл матбуоти, телевиденнеси ва радиосининг асосий темаси бўлиб қолмоқда.

ВАШИНГТОН

Америка матбуоти ва телевиденнеси юксак доирада ўтган совет-америка музокараларининг натижаларини кенг қўламда шарҳламоқда. «Вашингтон пост» газетаси Москвада имзоланган совет-америка ҳужжатларига бир неча саҳифалаб жой ажратмоқда. Газетанинг биринчи саҳифасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев ва Америка Қўшма Штатлари президенти Р. Никсонларнинг расмлари босилган. «Вашингтон пост» газетаси шарҳловчиси Крафт. СССР ва АҚШ раҳбарларининг доимий учрашувлари аҳамиятини алоҳида таъкидламоқда. Газетанинг ҳарбий шарҳловчиси Гетлер ва О'тул СССР ва АҚШ ўртасида ер ости ядро қуролини синашни чеклаш ҳақидаги шартномаеининг аҳамиятини таъкидламоқдалар. «Нью-Йорк таймс» муҳбири Ж. Герберс Москвада имзоланган совет-америка ҳужжатлари ҳақида батафсил фикр юритади.

ВАРШАВА

«Трибуна люду», «Жиче Варшави», «Жолнież волъностни», «Голос параци» ва бошқа газеталар совет-америка ҳужжатларининг текстини газета саҳифаларида тўла босиб чиқарди. «Учинчи совет-америка учрашуви, — деб ёзади Польша Бирлашган ишчилар партияси Марказий Комитетининг органи «Трибуна люду» газетаси — халқаро муносабатлар тарихига кескиниклни юмшатиш, ядро уруши хавфини бартараф этиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бобида сўзсиз катта воқеа бўлиб киради».

«Москва музокараларининг снёсий натижаси, — деб таъкидлайди «Глос параци» касаба союз газетаси, — ҳар икки томон кескиниклни юмшатиш ва тинчликни ўрнатиш йўлида халқаро миқёсда жуда катта иш олиб боришаётганлигини яна бир бор тасдиқлайдилар».

ЛОНДОН

Англия ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида Англия ҳукумати Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида ер остида ядро қуролини синашни чеклаш ҳақидаги имзоланган шартномани тўла табриклайди ва қўллаб-қувватлайди, дейилади. Бу шартнома ядро қуролини синашни бутқул тақиқлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадамдир, деб таъкидланади баёнотда.

БКП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

СОФИЯ, 4 июль. (ТАСС). Болгария Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Марказий Комитет Сиёсий Бюроси ва секретариатининг ўтган йилги иши тўғрисидаги ахборот муҳокама қилинди. Пленум БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюроси ва секретариатининг кўрсатиб ўтилган даврдаги фаолиятини якдиллик билан маъқуллади.

Ташкилий масалалар ҳам муҳокама қилинди. БКП Марказий Комитетининг секретарлари Г. Филипов билан А. Лиловни Сиёсий Бюронинг аъзолари қилиб, БХР халқ мудофааси министри Д. Журовни, БКП Пловдив округ комитетининг биринчи секретари Д. Вилчевани, БХР ташқи ишлар министри П. Младиновни, БКП Варна округ комитетининг биринчи секретари Т. Стойчевни БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидатлар қилиб сайлади.

И. Абажиев, В. Коцев ва К. Ғауров БКП Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидатлар вазифасидан озод этилдилар.

ШОНЛИ САНА

БЕЛГРАД, 4 июль. (ТАСС). Бугун Югославияда катта байрам — қурашчилар куни нишонланади. 1941 йилнинг 4 июли — Югославия Социалистик Федератив Республикаси халқларининг тарихида шонли сана — Югославия Коммунистик партияси шу куни фашист босқинчиларга қарши умумхалқ қўзғолонини кўтариш тўғрисидаги хитобнома билан мурожаат қилди. Партиянинг даъвати кенг қўллаб-қувватланди. Кўпгина жойларда партизан отрядлари тузила бошланди. Коммунистлар ана шу отрядларнинг ўзаги бўлди. Фашист босқинчиларга қарши халқ озодлик урушига шу тариқа асос солинди. Умумий душманга қарши кураш йилларида Югославия билан Совет Иттифоқи халқларининг жанговар ҳамдўстлиги ва қардошларча дўстлиги мустаҳкамланди.

Шонли сана муносабати билан бугун Югославиянинг турли шаҳарларида ва қишлоқларида оммавий митинглар ўтказилмоқда. Уруш қатнашчилари ёшлар билан учрашмоқдалар, мамлакат озодлиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган жангчилар дафн этилган жойларга гулчамбарлар қўйилмоқда.

ВОСҚИНЧИЛАРНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

ҚОҲИРА, 4 июль. (ТАСС). Исроил маъмурлари сўнгги кунларда Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида босиб олинган ерларда тинч араб аҳолисига нисбатан полиция репрессиялари компаниясини кучайтириб юборди лар ,деб ёзади Қоҳирада чиқадиган «Ал-Маса» газетаси. Босқинчиларнинг қўшинлари оширилган тайёр ҳолга келтирилган, араблардан ўнлаб киши қамоққа олинган.

«Ал-Маса» газетаси айни вақтда Тель-Авив раҳбарларининг, жумладан, Ливанга қарши янги таҳдид билан чиққан Исроил ташқи ишлар министри И. Аллоннинг агрессив фикрларига диққатни жалб этади. Аллон Исроил авиациясининг Жанубий Ливан районларига ҳужуми давом эттирилибгина қолмай, кучайтирилади ҳам деган, деб ёзади газета.



АНГЛИЯ. Медицина ходимлари иш ҳақини ошириш учун кураш олиб боришмоқда. Яқинда ўтказилган текширишда Британия ороллари медицина ходимлари Ғарбий Европа ва Америка мамлакатларига қараганда кам маош олишаётганлиги маълум бўлди. Суратда: ҳамширалар иш ҳақини ошириш талаб қилиб уюштирган намойиш қатнашчиларидан бир группаси.

Камера Пресс — ТАСС фотоси.

РАҲМАТ, ДОКТОР

Бу коллективнинг дардга даво топувчи дилкаш, ширинсухан шифокорлари ҳақида сўз юритишдан олдин дилдан чиққан мана бу юрак сўзларига қулоқ солайлик.

ҲАИИТ РАҲИМОВ: Мен касалхонага келганимда аҳволим анча оғир эди. Узоқ Қаршидан дардимга даво излаб Тошкентга келдим. Касбим мураббийлик. Қисқа вақт ичида анча бардамлашдим. Ўзимни енгил ҳис этяпман. Агар врачлар ҳақида ёзмоқчи бўлсангиз, бу ердаги бўлим бошлиғидан тортиб, оддий ҳамшираларгача ҳаммасига раҳмат айтинг, барака топишсин.

ИУЛДОШ ОТА МАЮСУПОВ: — пенсионерман. Оржоникидзе районидаги Шредер номли илмий-тадқиқот институтида бир неча йил боғбонлик қилдим. Соф ҳаво, сўлим, боғ, ширинсўз кишига қанчалик даво бўлишини яхши биламан. Биз беморларга бу ерда ана шундай шароит яратиб берилган. Касалхона ҳовлисини қаранг, роҳатижон. Ширинсухан шифокорларини айтмайсизми, минг раҳмат уларга.

ПАРДАБОЕВ ЖУМАБОЕВ: Янгийўлдаги ёғ-мой комбинатида ишлайман. Бир неча йилдирки, менга атеросклероз касали қийнаб келади. Шу касалхонада дардига даво топган кишилар менга Тошкентга бориб даволанишимни маслаҳат беришди. Бўлим мудири Жўрахўжа Хўжаев, даволовчи врач Амина Жамолиддинова, Тамара Кирилова, ҳамшира Нела Косинская ва бошқа шифокорлардан беҳад ҳурсандман. Эртага касалхонадан қайтаман. Дарддан буткул халос бўлгандек ўзимни бардам ва енгил ҳис этяпман.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли 2-клиник касалхонанинг 1-терапия бўлимида бўлганимизда бундай самимий сўзларни жуда кўп эшитдик. Бўлим мудири кабинетига кирганимизда Ида Аркадьевна Вексельман Жўрахўжа Хўжаевнинг қон босимини ўлчаётган экан.

— Бўлим мудиримиз тинмай-тинчимаганда, ўзлари бетоб-ку, беморлар ҳақида ўйлагани-ўйлаган. Уч-тўрт кун дам олинг, десак, касалим енгил, ўтиб кетади дейдилар. Жўрахўжа Хўжаев ўриндан туриб, оқ халатини кийдида, врачни қойиган бўлди:

— Соппа-соғман Ида Аркадьевна, фақат бироз қон босимим кўтарилиши ҳолос, ҳаммаси изга тушиб кетади.

Бўлим мудири бизни шифокорларнинг иши билан таништирди. Беморларга намунали хизмат кўрсатиш учун шифокорлар ўртасидаги ўзаро мусобақада ғолиб келган бу бўлим касалхона кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Шифокорлар ошқозон ва ичак-яра касалликларини даволашда замонавий усуллардан фойдаланишмоқда. Бўлим мудири Ж. Хўжаев профессор Улуғбек Асқаров раҳбарлигида ошқозон ва ичак-яра касаллигини янги усулда продигиозан дориси билан даволашда илмий иш олиб бормоқда. Бунда бир мунча ютуқлар қўлга киритилди.

Бош врач медицина фанлари кандидати Шавкат Раҳимов бошлиқ бу касалхонанинг қўли енгил шифокорлари эл саломатлиги йўлида жон-дилдан меҳнат қилишмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратда: Ж. Хўжаев ва врач А. Жамолиддинова бемор ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

А. Абалян фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Пуэрто-Рикода баскетбол бўйича VII жаҳон чемпионати бошланди. Чемпионатда қатнашаётган СССР спортчилари мусобақанинг биринчи кунида Марказий Африка Республикаси баскетболчилари билан учрашиб, 140:48 ҳисобда ғалаба қозондилар. Командага энг кўп фойда келтирган ўйинчи Иван Едешко бўлди. Ў матч давомида 22 очко тўплади.

СССР баскетболчилари билан биргаликда «А» группасида қатнашаётган Бразилия командаси эса Мексика спортчилари устидан 100:78 ҳисобида ғолиб чиқди. Энди спортчиларимиз Бразилия баскетболчилари билан учрашадилар.

„ЯНГИЕР" ИККИНЧИ ЎРИНДА

«А» класси иккинчи лига командаларининг ўн иккинчи тур учрашувларидан сўнг турнир жадвалида маълум даражада ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир Фрунзенинг «Олга» командаси мусобақа пешқадами бўлиб турибди. «Янгиер» спортчилари эса Усть—Каменогорск-нинг «Восток» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 18 очко билан иккинчи ўринга кўтарилишди. Шу тариқа «Янгиер» командаси ўн икки учрашувдан саккизтасида ғолиб чиқди. Иккита ўйин дуранг, иккитаси мағлубият билан тугади.

СТУДЕНТЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Мамлакат қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари эркаклар командалари баскетболчиларининг Бутуниттифоқ мусобақаларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Бу мусобақаларда Тошкент қишлоқ хўжалик институти баскетболчилари ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Улар ўтган йили ўз рақибларини ортда қолдириб иккинчи ўринни эгаллашган эди.

Бу йил зонал мусобақаларда ғолиб чиққан ўнта энг кучли команда финал ўйинларида қатнашиш учун Горький шаҳрига тўпланишди. Улар орасида Тошкент қишлоқ хўжалик институти командаси ҳам бор эди. Студентларимиз Украина қишлоқ хўжалик Академияси командасини 77:64, Эстония қишлоқ хўжалик Академияси командасини 63:46 ҳисобида мағлубиятга учратиб ғолибликни қўлга киритдилар.

ЛЕНИН комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган «Дельфин» соғломлаштириш-спорт лагери ўз бағрига кўплаб ўқувчиларни қабул қилиб олган. Ўқувчилар бу ерда спорт билан шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиниқмоқдалар, ёзни соз ўтказмоқдалар. Суратларда: горнчи Женя Лобанов ўқувчиларни сафга чорламоқда. Чапда эса ёш сузувчилар мусобақасининг қатнашчилари сувга сакраш олдидан.

В. Таран фотолари.

УМИДЛИ ЁШЛАР СИНОВИ

БУГУН Олмаотада ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XIII спартакиадаси старт олади. Мамлакат спорт ҳаракатининг умиди ва фахри бўлмиш энг ёш спортчилар 5 июлдан 24 июлгача спартакиада мусобақаларида қатнашиб, ўз куч ва маҳоратларини намойиш қиладилар. 350 кишидан иборат Ўзбекистон делегацияси ҳам спортнинг ўн уч тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этадилар. Улар орасида областимизнинг 52 вакили бор. Спортчиларимизнинг спартакиада олдида кўрган тайёргарлиги ҳақида область халқ маорифи бўлими мудири М. НИШОНОВ мухбиримизга қуйидагилари сўзлаб берди.

БУГУН ОЛМАОТАДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ XIII СПАРТАКИАДАСИ БОШЛАНАДИ

●

ҲОЗИРГИ пайтда областимиз мактабларида 160 та спорт зали, 60 та комплекс спорт мусобақалари ўтказиладиган майдончалар, мингдан ортиқ волейбол ва баскетбол майдончалари, 420 дан ортиқ футбол майдонлари мавжуд. Махсус физкультура таълимига эга бўлган мутахассислар ёшлар билан спорт машғулотлари ўтказмоқдалар. Бу соҳада Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Оржоникидзе, Калинин районлари мактабларида бой тажриба тўпланган.

Мактабларда ташкил этилган спорт тўгаракларида қатнашиб, чиниққан ёшлар район, область ва республика терма командаларига жалб қилинмоқдалар. Ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XIII спартакиадасига тайёргарлик кўриш давомида область мактабларида катта синов машқлари бўлиб ўтди. Бу машқларда муваффақиятли қатнашган энг кучли, эпчил, маҳоратли ўқувчилар республика терма командасига қабул қилиниди.

Спартакиада бугун ёш футболчилар мусобақаси билан бошланади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренерлар И. Тошмуҳамедов ва В. Ятченко ўз шогирдларини бўлажак баҳсларга пухта тайёрладилар. Бизнинг группачага Ленинград, Тожикистон ва Туркманистон спортчилари ҳам киришган. Мусобақада биринчи ва иккинчи ўринни олган командагина финалга йўлланма олади. Бу мураккаб йўлдан муваффақиятли ўтиш учун футболчиларимиз ўтган йилнинг кузидаёқ тайёргарликни бошлаб юборган эдилар.

Тайёргарлик уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда ўқув-тренировка машқлари ўтказилиб, терма команда аъзолари танлаб олинди. Иккинчи босқичда эса ёшларимиз «А» класси иккинчи лигасида қатнашаётган мастерлар командаси билан ўзаро куч синашди.

Тайёргарликнинг учинчи босқичи май ойида бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма командасига номзод бўлган 24 спортчи «Пахтакор»нинг спорт базасида ҳар жиҳатдан чиниқди. Май охирида эса улар Грузияда қатор ўртоқлик учрашувлари ўтказдилар. Учрашувларнинг ҳаммасида умидли футболчиларимиз рақиблар билан тенг курашдилар.

Спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилган машқларда ҳам ёшларимиз маҳорати сезилиб турди. Чирчиқлик енгил атлетикачи Ася Тўлаева, бекободлик шахматчи Толя Богумин, енгил атлетикачи Галя Мухаммаджонова, қўл тўпи командаси аъзоси Зулфия Саъдуллаева бошқа спортчилар машқларни намунали ўтказдилар. Уларни катта мусобақага тайёрлашда тренерлар Вали Мўминов, Борис Рябков, Надежда Мазур каби мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Спортчи ўқувчилар машғулотларининг мунтазам ўтиб туриши учун барча қулайликлар мавжуддир. Бўстонлиқ районидаги 2-, Калинин районидаги 1, 40-, Оққўрғон районидаги 33-мактаблар спорт заллари барча турлар бўйича мусобақалар ўтказишга ҳартомонлама пухта тайёрланган. Спорт инвентарлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу мактабларнинг ўқувчилари спортнинг спортда ўзаро куч синашиб, ҳартомонлама камол топмоқдалар.

Бу йилги спартакиада республикамиз спорт делегацияси олдига юксак вазифалар қўймоқда. Спортчиларимиз барча мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, республикамизнинг олтин тўйнга муносиб тўёна ҳозирлаш ниятиёқи билан катта майдонга тушмоқдалар. Спартакиадани ёш футболчилар бошлаб беришса, эртага шахматчиларимиз рақиблар билан яккама-якка баҳс бошлайдилар. Бошқа тур мусобақалар ҳам навбат билан давом этади. Бу мусобақаларда умидли ёшларимизга катта омад тилаймиз.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

СУД ЗАЛИДАН

ПОРАХЎР

Азиз Жалилов мактабларда тарбия ишларини талабдаги даражага кўтариш учун астойдил курашади, педагогик тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашади, деган умид билан Сергели район халқ маорифи бўлимига мудир қилиб тайинланди.

Аммо, натижа кутилганидек бўлиб чиқмади. Район халқ маорифи бўлими мудири ўзининг бутун диққатини болалар боғчаларига қаратди. Қисқа муддат ичида болалар боғчаларига навбатсиз жойлашиш ҳуқуқига эга бўлмаган ота-оналарнинг 23 нафарига йўлланма берди.

Хўш, нима учун мудир бу даражада «хотамтойлик» кўрсатди? Бу саволга суд терговига берилган материаллар жавоб бўла олади. Жалилов махсус комиссия-нинг рухсатисиз якка ҳолда путёвкаларни ўз танишларига ҳар бири учун 50 сўмдан пора олган ҳолда бераверган. Судда ҳам у ўз айбини қисман бўйнига олди.

В. Н. Шевченко раислигидаги Тошкент шаҳар халқ судининг жиноий ишлар бўйича коллегияси Жалиловни саккиз йил озодликдан маҳрум этди.

Тергов органлари пора берган кишиларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга эди. Аммо, Жалилов томонидан пора мажбур қилиб олинган ва барча гувоҳлар ўз қилмишлари учун қайғураётганликлари ҳисобга олиниб, уларга жамоатчилик йўли билан чора кўрилди, уларнинг қилмишлари ҳақида иш жойларига маълум қилинди.

Н. СЕРГЕЕВ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Абразив заводи —Весна кўчаси бўйлаб юрувчи 9-маршрут йўловчиларининг шикояти.

Ўн беш ўринга, уч машина... бизни ҳайрон айлади,
Ҳар бекатда кутдириб одамни сарсон айлади.
Келди-ю, ҳеч тўхтамай, турқини гумдон айлади,
Баъзида «чап»га буриб ўзни ғужғон айлади.
Шоферлар бебошлигидан асаблар доим таранг,
Ғар шикоят айласанг, бошлиқлар бўлди гаранг.
Манзилга етармиз ҳар кун минг маломат-ла аранг,
«Ў»нинг дақмазаси рангини заъфарон айлади.
Ғоҳ диспетчер, гоҳ йўловчи, гоҳида шофераро,
Тартибсизлик дастидан ҳар кунни юз можаро,
Лекин ҳеч ким бош қотирмай, кирмайин жонга аро,
Йўловчилар кўнглин беқиёс зимистон айлади.
Тўлди сабр косаси, тингла «Чақмоқ» арзимиз,
Манзилга вақтида етмоқлик бўлди ноёб орзумиз
Бу ҳолдаги қатновдан мутлақо норозимиз,
Токи у минг бор қилиқла дилни вайрон айлади.

Йўловчилар қўшиғини оққа кўчирувчи Сандвали ҲАСАНОВ.

„ЧАПАНИ" ХЎРАНДАЛАР

(ҲАЖВИЯ)

Сабзавотчилик бригадаси. Дала шийпони олдига аравачали мотоцикл келиб тўхтади. Ундан комбинезон кийган икки йигит тушди. Бригада аъзолари ҳозиргина тушлик овқатни қилиб, пайкал оралаб кетган эдилар. Бригадир якка ўзи эртанги ишлар ҳақида ҳаёл суриб ўтирарди.

— Бригада бошлиғи сиз бўласизми?

—Мен, — бепарво жавоб берди бригадир.

— Жуда яхши. Бугун ҳув анаву шийпонга сиз помидор жўнатдингизми?

— Ҳа, биз.

Йигитлар кўзларини сирли равишда қисиб, бригадирга яқин келишди. Бирининг қўлида тугунча бор эди. У тугунчани очиб, сарғайган, ғадир-будир помидорни олиб, бригадирга узатди.

— Қани, манавуларни қандай ейиш кераклигини бир кўрсатиб беринг-чи!

— Сизлар ким бўласизлар? Ошпазлармисизлар, — бригадирнинг жаҳли чиқди.

— Ҳозирча ошпаз эмасмиз, механизаторлармиз. Қўшни пахтачилик бригадасидан, сизлардан, сабзавот олиб турамиз. Қани тортинмай елверинг, — йигитлардан бири помидорни бригадирнинг оғзига тиқиштира бошлади.

Бригадир жаҳли чиқиб, ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин йигитларнинг бақувват қўллари уни яна ўрнига михлаб қўйди.

— Жинни-пинни бўлганмисизлар?

— Ҳозирча йўқ. Лекин, шу помидордан еиверсак, жинни бўлишимиз ҳам мумкин. Ўзингиз етиштирган помидорни аввал ўзингиз ейишингиз керак.

— Тўхтанглар, йигитлар, — деди бригадир, — балки устимдан шикоят қиларсизлар.

Шикоят қилмаймиз, лекин бу помидорларни сизга едиришга қатъий қарор қилдик.

— Ундай қилманглар, — ялина бошлади бригадир, у бир қўли билан оғзини беркитиб, иккинчи қўли билан йигитларнинг кўкрагидан итарарди.

— Ахир, помидор пайкалларига нормадан кўп селитра солишга сиз буйруқ бергансиз.

— Ҳа, гап буёқда денглар. — Бригадир ўзини сал ўнглаб олди. — Айб фақат менда эмас, ер кучсиз. Селитра солмаса, план бўлмай қолади.

— Ер кучсиз денг, — йигитлардан бири чаққонлик билан бригадирнинг оғзига катта бир помидорни тиқиб юборди.

— Ҳа, мазаси қандай экан!? Бизга доим шунақа помидор жўнатасиз, устн сарғиш-у, ичи кўмкўк, сели йўқ, нуқул берч.

Шундан кейин яна ярим соатча савол-жавоб давом этди.

— Саломат бўлинглар, — дейишди механизаторлар ўз мотоциклларига ўтираётиб, — агар шу хилда помидор олсак, кейин хафа бўлманглар, яшиги билан олиб келиб, ўзларингга едирамиз.

Улар шундай деб, мотоциклга ўтириб, жўнаб кетишди.

Б. ШОНАЗАРОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ота ва «ўғил».

Игвогарнинг «ихтироси».

— Чойхонада ишим чиқиб қолди, отахон, шуни бизнинг уйга ташлаб ўтинг...

Ҳар каллада ҳар хаёл.



Тўра Хуррамович командировкада.

Е. Одилов ва А. Ҳакимов чизган расмлар.

Реклама ВА Эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Телеминиатюралар. 11.00 — МОСКВА. 15.55 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.55 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 17.40 — Телефильм. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Биз ёш табиатшунослар. 19.05 — «Ахборот». 19.15 — Телеочерк. 19.25 — Ўн минут музика. 19.35 — Бугун — халқаро кооперация куни. 19.50 — «Ахборот». 20.10 — Ёш ижрочилар концерти. 21.00 — МОСКВА. **Футбол бўйича жаҳон чемпионати.** 22.45 — «Вақт». 23.15 — Артлото. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув-кўрсатувлари. 18.15 — Телеспектакль. 21.00 — «Здоровье». 21.30 — Тошкент маданий оқартув техникуми ўқувчиларининг чиқиши. 22.10 — **Улуғбек юлдузи** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Калиниковнинг иш кунлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (20.00, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (14.00, 20.00, 21.45).

Бошсиз чавандоз — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

100 процент нейлон — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Қора пайпоқ — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номли, «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (12.00, 16.00, 18.00).

Иван Васильевич касбини ўзгартирди — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (13.00, 14.00, 18.00).

Уктам суворийнинг саргузаштлари — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Қора пайпоқ — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р—10634. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри Индекс 64634. А—2532.